

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 230 (7. 319)

1990 йил 6 октябрь, шанба

Баҳоси 3 тийин.

«ЛАЗОН» МУХЛИСЛАРИ ПОИТАХМИЗДАГИ Бухоро яхудиёлари маданият маркази ҳузурда «Лазон» ижодий жамоасининг ташкил этилганга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шундай бўлсада, қисқа вақт ичида бу ижодий жамоа ўз мухлисларини топди. Унинг ижросидаги куй ва қўшиқлар, кўча мақомлар, рақслар ва эстрада номерлари шивавандлар қалбига бир олам қувонч бағишлямоқда. Ижодий жамоанинг шундай ишларида батафсил хабардор бўлай десангиз маданият марказининг раҳбари Иброҳим Муродович Катанов билан «Оқшом» мухбирининг мулоқотида бир назар ташланг...

2-саҳифада.

«ЭДМОНТОН»ДАГИ МАҲАЛЛАЛАР ТОШКЕНТ билан биродарлашган Ситэл шаҳрида ҳам маҳаллалар борми? Хонадонлар файз, фўқаролар турмуши қандай? Ушбу саволлар «Тошкент оқшом» муштариларини қизиқтириши табиий, албатта. Ана шунини ҳисобга олиб биз бугун яқинда Америка сафаридан қайтган Тошкент шаҳар Совети қошидаги маҳалла, уй қўмиталари ва жамоатчилик билан ишлаш доимий комиссиясининг раиси Шукр Темуров билан суҳбатлашдик. Уни бугун Сиз, азиз мухлисларимиз эътиборинга ҳавола этмоқдамиз...

3-саҳифада.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР ИШДАН бироз чарчаб қайтдингиз. Уйга борган, телевизор мураббитини буршадан олдин ҳафталик кўрсатувларга бир нингоҳ ташлашингиз турган гап. Агар ҳафталик кўрсатувлар режасида Сиз ёқтирган хонада ёки рақосаннинг қўшиқ ва рақслар бўлса уни ҳисоб деб томоша қиласиз. Ана шу пайларда қийналиб қолган деган ниятда бугун биз аъёнага кўра «Ойна жаҳоннинг 8 октябрдан 14 октябргача бўлган ҳафталик кўрсатувлар режасини ҳам» дон қилмоқдамиз...

4-саҳифада.

Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар • Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар • Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар

## 7 октябрь — СССР Конституцияси куни

Мутасаддилар фикрича...

### ШИРИНЛИКЛАР КЎПАЯДИМИ?

М. ИКРОМОВ, «Ўртоқ» қандолат фабрикасининг директори.

— Илгари дўноқларнинг пештахталарида конфетлар тўкин-сочин эди. Эндиликда эса улар очиги камайиб кетди. Рўй берган бу ўзгаришнинг боиси шундаки, авваллари жумҳуриятимизга Украина ССР ва Волгица ширинликлар, Калининград вилоятидан қандолат маҳсулотлари олиб келинар эди. Ҳозирда ана шундай ширинликларнинг 80 фоизи Ўзбекистонга етиб келмапти. Тўғри, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Лазат» фабрикаси ҳам бор. Бироқ, ҳар иккала фабрикада ишлаб чиқарилган ширинликлар шаҳар аҳолисининг талабини қондира олмади. Шу сабабдан конфет етишмаслиги рўй бермоқда.

Қолаверса, вақтинчалик содир бўлган бу ҳолатга кейинчалик барҳам бериш имкониятлари ўрганилмоқда. Фабрикада йил давомида 24200 тонна конфет ишлаб чиқариш режалаштирилган. Ўтган 9 ойда

17200 тонна ўрнига 17504 тонна конфет ишлаб чиқарилди. Фабрикада ширинликларни ҳозирги даражадан бир неча марта кўп ишлаб чиқариш мумкин. Бунинг учун керакли хом ашё—қовун қоқи, ўрин баргачи ва бошқа қўрилган металл маҳсулотларини ўз вақтида қабул қилиб олишимиз керак. Бизнинг қўлимизни боғлаб турган муаммо ҳам аслида ана шу. Бироқ қандай бўлмасин барбир конфет ишлаб чиқаришни кўпайтиришимиз зарур. Ўтган йили шу мақсадда Грециядан келган мутахассислар билан шартнома тузган эдик. Ҳозир шартномадаги ишларнинг деярли 70 фоизи ҳал бўлди. Улар ўзларининг замонавий машиналарини олиб келиб цехларимизга ўрнатилмоқчи. Ҳисоб-kitобларга қараганда фабрика маҳсулотини ўшанда ҳозирдан 4 баравар кўпайлади. Унда биз нафақат жумҳуриятимизда, ҳатто хорижда ҳам ширинликлар сотишимиз мумкин бўлади.

### АҲОЛИ ЗИЧ ЖОЙЛАРДА

Х. КАРИМОВ, Акмал Икромов район озиқ-овқат савдоси идорасининг директори.

— Районимизда маҳаллалар жуда кўп. Бир неча йиллар мобайнида бу ерларда савдо шохбчалари жуда кам ишга тушибрилган. Шунинг учун ҳам айниқса, бу йилда эътиборан аҳоли зич жойлашган ерларда янги савдо шохбчаларини очинишга жуда катта эътибор берилмоқда. Зият Санд кўчасидаги Киров номи маҳаллада 120 квадрат метрли, Ҳамза маҳалласида 200 квадрат метрли, «Ойтепа» маҳалласида 100 квадрат метрли, «Янгиобод» маҳалласида 100 квадрат метрли янги савдо шохбчалари фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда нон маҳсулотларини таъдирда ёпиб аҳолига узлуқсиз етказиб беришда ҳам бирмунча иш-

лар амалга оширилмоқда. Шу оғини оқирларда «Хасков» магазини Рўбрасида, ҳар кун 1500 тадан иссиқ нон ёпиб турадиган таъдир ишлаб бошладилар. Бундан ташқари ана шу ерда 500 килограммгача миқдорда бўлган ҳар хил қўриқчилик ширинликлар таёрланади. Саксоний маҳалласида ҳам иккита таъдир ўрнатилди. 30-мавзуда нон ва баққолик дўнони ишга тушди.

Ҳозир 6-магазин қайта таъмир этилмоқда. Унинг савдо зали 300 квадрат метрга кўлади. Етти ой ичида фойдаланиш бўлимининг кучи билан районда 600 миң сўмлик янги савдо шохбчалари қурилади ва фойдаланишга топширилади.

### Обуна—91:

АЗИМ шаҳримиз ўра оқшом қўшини билан оқшом иш ва турмуш ташвишларидан чарчаб хонадонларига қайтаётган минглаб ҳамшаҳарларимизни учратамиз. Уларнинг қўйчилиги: хоҳ метрода бўлсин, хоҳ автобус бекетида бир хил одатни сира қанда қилишмайди. Қўлариданги рўзнома — «Тошкент оқшом»га кўз югуртириб туришган бўлишади. Бу кундалик эҳтиёжга эҳтимол бошқалар унчалик эътибор бермасликлари мумкин. Аммо эндигина тандирдан узилган иссиқ нон каби муштарийлар қўлига етиб борган рўзноманинг ана шундай илқин билан қарши олинишида маъно бор. Негаки, «Оқшом» уларнинг энг яқин ҳамроҳи ва суҳбатдошига айланб қолган. Бу айниқса рўзномага келасиз йил учун обуна бораётган ҳозирги кунларда яққол сезилмоқда. Обуна нархларининг бирмунча қимматлашганлигига қарамай улар бажонидил «Тошкент оқшом»га обуна бўлишини йўларини топишмоқда.

— Биринчилардан бўлиб «Оқшом»га обуна бўлдим, — дейди шаҳримизнинг Қурувчи кўчасидаги 38-уйнинг 38-хонадонига яшовчи С. Хабибулло. — Бу менга тўрт йилдан буён қўлдан қўймай ўқитган рўзноманинг келгуси йилда ҳам узлуқсиз олишимга имкон беради. Муштарий сифатида бир нарсани айтмоқчиман. Ҳақтин чинаманга чуқур кўрсатиб берувчи, тираж қўлларга бой бўлган мақолалар унинг саҳифаларидан сира ҳам тушмасин. Чунки, бугунги кунда давр шуни тақозо этмоқда.

## МАСЪУЛИЯТЛИ ПАЛЛА

Яна бир муштарий Назолат Мирназарова ҳам мактаб ўқувчиси. У шаҳримиздаги 245-ўрта мактабнинг 11-синфида таҳсил олмоқда. Унинг ёзишга рўзнома саҳифаларида ёритилган «Одобнома», «Назонат» саҳифалари ҳаёт оstonасига эндигина мустақил қадам қўётган қизга жуда манзур бўлмоқда. Ҳали қизиқтирилган қўлига саҳифаларга шу саҳифалардан тегишли жавоб топапти. Шу босдан ҳам Назолат келаси йили ҳам рўзномани ўзининг доимий ҳамроҳига айлантиришга аҳд қилди.

Бундай яхши ишларни қўлига жо эътидан йигит-қизлар, отахону онахонлар шаҳримизда кўпчилиги ташкил этишади. Улар бу йил бўлгани каби 1991 йилда ҳам рўзномани таъсирчан қизиқиб умид қилмоқдалар. Оқшомхонларнинг истаги рўзнома чиқишига ишонч бор. «Оқшом» бундан буён ҳам шаҳримиз ҳаётининг кўзгусига айланб қолаверди. Унда рўй бераётган муҳим янгиликлар, воқеалар энг биринчи навбатда «Оқшом» саҳифаларида ёритилади.

— Рўзномадаги мақолалар олдинги йиллардагига қараганда сифат жиҳатидан бирмунча ўзгарди, — дейди иттифоқчи олим, профессор Хикмат Собиров. — Долзарб мавзулардаги ўқимли материаллар кўпайди. Уларни аҳамияти жиҳатидан келгусида бемалол китоб даражасига кўтариш мумкин. Шу босдан ҳам «Тошкент оқшом» кутубхонаси туркумида китоб чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Чунки, бу бизга доимо асқотида. Жорий йилда муҳаррират «Маҳалладош» иловасини чиқариб хўп яхши иш қилди. Мазкур нашр келгуси йилда ишонимиз, бирмунча тақомиллаштирилади ва янада бойитилади. Бошқачасига айтганда аҳоли истаётган қилётган жойларда маданият-тарбия ишларини изга солишда унинг роли кучайди.

Биргина шаҳримизда эмас, балки жумҳуриятимизнинг чекка жойларида ҳам «Оқшом»га обуна ҳужжатларини расмийлаштириш ишлари қизиб бормоқда. Муштарийлар ўзларига берилган бундай имтиёздан тўла фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Қашқадарё вилоятининг Қарши районидан К. Маркс номи давлат жамоа хўжалиги комсомол кўмитасининг котиби Мурод Раёнов рўзноманинг чинакам муштарийига айланди. У ўн бир йилдирки, узлуқсиз «Оқшом»га обуна бўлиб келмоқда. Яқинда Мурод келаси йил учун ҳам бу рўзномага баилб қўйди. Бунинг боиси бор. Негаки, Тошкентда ўқиб юрган келаридея Мурод унга дилдан ихлос қўйган эди. Бу ихлос ҳали ҳам сўнгани йўқ, аслича кучайиб бормоқда. Энди Муроднинг хонадонига ҳар кун «Оқшом» кириб борапти.

© Обуна мавсуми — масъулиятли палла. Узингиз ёқтирган рўзномалар орасида келаси йили ҳам албатта «Тошкент оқшом» бўлишини истасангиз, у ҳолда шонининг: ҳозир барча алоқа бўлимларида, «Союзпечать» агентликларидан унга обуна давом этмоқда. Рўзноманинг бир йиллик обуна нархи 17 сўм 40 тийин.



Аҳолига маиний хизмат кўрсатиш бошқармаси 1-автобазасининг моҳир таъмирловчилари Нурулла Ғоипов ва Шавкат Содиқовлар ҳамшаҳарларимиз отирини энгилқилишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишяпти.

## МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Янги турмуш тарзига ўтиш — бозор нуносабатларига қўшилди шаронтида маданият соҳаси нозик ва эҳтиёж соҳа бўлиб қолиши мумкин. Аҳолий ва маънавий қадриятларини ҳамда ананаларини йўқотиб қўймаслик, янги ижодий жараёнлар барқарорлиги сақланиб қолиши учун ана шу нозик ва сезгир соҳа ўзига алоҳида эътибор ва ғам-хўрлик кўрсатилишини талаб қилади, у ҳиммага муҳтождир. Жумҳурият Вазирилар Кенгаши раиси, Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси Ш. П. Мирсаидовнинг ижодкор аниқлар, жумҳурият маданият арбоблари вакиллари билан учрашув зарурати ана шундан келиб чиққан. Уч-

рашув 5 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтди. Учрашувда сўзга чиққан ижодий уюшмаларнинг, театрларнинг, концерт ташкилотларининг раҳбарлари маданият — ижтимоий тараққиётда миллат ва халқнинг қиёфасини, ақлий, ахлоқий ва нафосат жиҳатларининг узвий боғлиқлигини белгилаб берадиган ўзак эканлигини таъкидладилар. Кўп йиллар давомида маданият «қондир» қондаси асосида ривожланиб келди. Бу аҳвол шунга олиб келдики, ҳозир маданиятнинг моддий-техникавий базаси жуда оқин. Санъатни тикдорлаштириш маданият имкониятларига ҳалоқатли таъсир қилиб юксак ахлоқий

вазифаларини ҳал этини хавф остида қолдирмоқда. Маданият соф бозор негизинда ривожлана ва юксала олмади. Нотиқлар болача ва ёшларни гўзаллини ҳис этадиган қилиб тарбиялаш муаммоларига эътиборни мучайтириш юзасидан аниқ тақлифлар киритдилар. Ўзбек халқининг тарихий ва маданий меросини сақлаб қолишининг, профессионал ва ҳаваскорлик ижодийти ривожлантиришининг ҳуқуқий қаболатларини, иқтисодий шарт-шароитларини яратиш тўғрисида гапирдилар.

Учрашув чоғида халқ таълимининг барча бўғинларини инсонпарвар қилиш, адабиёт, мусиқа, театр, кино

ва тасвирий санъатни ривожлантириш маффаатларини кўлаб катнавий бойликларни емирилишдан ҳимоя қилишга ҳошимизни орданлар билан ижодкор зиёлиларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ш. П. Мирсаидов тўпланганларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Жумҳурият Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилов, Ўзбекистон ССР Вазирилар Кенгаши раисининг ўринбосарлари Ф. Қ. Исмоилов, Ф. Р. Умарбеков қатнашдилар.

олганимизда эди... Ўшанда макулатура топширувчиларнинг кети узилмайдиган бўларди. Бунга ишончим комил, лекин бизда фондлар ҳам, молларнинг ўзи ҳам йўқ.

Қайта ишловчи корхоналарга макулатура етказиб бериш ҳам муаммо бўлиб қолди. Жумҳуриятимиздаги мавжуд ускуналар 50 миң тоннага яқин яроқсиз қозончи тойлаб бериш имкониятига

эга. Хўш қолганларини нима қилиш керак? Иккиламчи хом ашёни вагонларга ортинг учун юк ортувчилар керак, вагонлар эса эҳтиёт қисмлар йўқлиги сабабли кўп вақт тўхтаб қолмоқда. Бунинг устига темир йўлгача етиб ҳам олишининг ўзи амри маҳол. Автотранспорт ҳам чатоқ, Тошкентда атиги ўнга кўчма қабул пункти ишлаб турибди, лекин ҳар бир районга бештадан дашина берилса ёмон бўлмасди. Жумҳурият ва Иттифоқ идоралари бизнинг юк машиналарига, пресловч ускуналарга, махсус техникага берган аризаларимизни қондиришяпти. Икки йил ичида фақат битта ахлат ташийдиган КАМАЗ аиратилишига муваффақ бўлди. Шу ҳам муаммонини ҳал этиш бўлмасми?

### Долзарб мавзуда

## ТОПШИРИЛГАН ҚОҒОЗГА... «МЕРСЕДЕС»

«Фирмачилар»нинг бундай тақлифлари кўп, лекин уларнинг бир-портаси ҳам жумҳуриятимизда амалга оширилмапти

Ўзбекистонда бугунги кунда тахминан 40 миң тонна қоғоз етишмайди. Унинг ўрнини биз қоплашимиз керак бўлади. Табиийки, иложи борича кўпроқ макулатура тўплашдан манфаатдоримиз.

— Бунга нима ҳалақат беради? — Келинг, мижозларимизни мол билан таъминлаш деб аталган муаммо устида тўхталайлик. Хўш, биз уларга нималарни тақлиф эта оламиз? Китобларга бериладиган қафолат қоғозларинимиз? Бу билан ҳеч кимни ажаблантириб бўлмайди, боз устига танлаб оладиган китобларнинг ҳам маъноси йўқ. Агар биз макулатура ўрнига эҳтиёжталаб молларни — тикувчилик буюмлари, консерва қопқоқлари, рўзгор аппаратлари ҳамда радиоаппаратларини тақлиф эта-

— Хўш, бунинг қандай иложи бор? — Немисларнинг «Мерседес-бенц» фирмаси бизга товар алмашиш юзасидан битим тузишни тақлиф қилмоқда: улар макулатура ўрнига бир ярим тонна юк ортиладиган дизель ағдарма машиналарини беришмоқчи. Худди шундай машиналар бизга жуда керак. Биз 500 тонна хом ашёга битта юк машинаси алмашган бўлур эдик. Икки йил ичида фойдалан шарт асосида 20 та махсус машина сотиб олган бўлур эдик. Ҳозирча эса бирлашмаимизнинг бу борадаги имкониятлари жуда кам — йилга атиги 1,5 миң тонна қоғозни чет мамлакатга чиқара оламиз. Ишлаб топилган валюта бошқа ёққа кетиб қолади, унинг ўрнига эса китобларга 800 та абонемент тақлиф этилади. Шундай қилиб қандайдир фойдалан, демак зарур техникани харид қилишдан умидвор бўлишга тўғри келмайпти.

Италия ва Югославия фирмалари ана бир қанча фойдали тақлифларини айтишмоқда. Жумладан улар миң тонна макулатура эвазига 300 тонна юқори сифатли қоғоз беришга тайёрдилар. Полиграфия базамизнинг оқинчилиги ва қоғознинг ниҳоятда тақинчилигини ҳисобга оладиган бўлса, ана шу тақлифни яхшилаб ўйлаб кўриш керак бўлади. Лекин иттифоқчилар билан тузилган шартномалар қўл-оғимизни боғлаб қўймоқда. Иш шунга бориб етмоқдаки, РСФСР ва Ўрта Осиёдаги бошқа жумҳуриятлардан иккиламчи хом ашё ташиб келтиришимиз. Фақат шу йилнинг ўзида 13 миң тонна макулатура ташиб келтириш учун шартномалар туздик. Корхонамиз бундан бир тийинлик ҳам наф қўрмайди.

Хуллас, бор бўлса сақламаймиз. Йўқотсангиз кўз ёши қиласиз. Ажабланидиган жойи шундаки, бошимиз бориб деворга урилгандагина негидир ана шулар ҳақида ўйлаб қоламиз...

# «Ларзон» мухлислари

СОБИР отанинг «Дилкаш» кўчасидаги ҳовлиси. Бир тўти ёнғоқ дарахти ҳар тарафга шохлар, зумрад янроқлари жазира оғтобни тўсиб, ёнғоқ сўрига соя ташлаб турибди. Атрофди толтоза. Сўририб, сидирилб, сувлар сеппилган, баҳаю. Ёнгинасида саврайхон, турли хил кўкатларнинг хушбўй, ёқимли ҳиди кишининг баҳри-диллини очди.

Собир отанинг пенсияга чиққанга анча вақт бўлиб қолди. Ҳозир етмишдан ошарди, Хали бақувват, йиғитлардек ҳаракат қилади. Кўнглида кпни йўқ, саҳий поки-

## Дўст билан обод уйинг

О Пойтахтимиздаги Бухоро яхудиёлари маданият маркази ҳузурда «Ларзон» ижодий жамоаси ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлсада, қисқа вақт ичида бу ижодий жамоа ўз мухлисларини топди. Яқинда ушбу маданият маркази раҳбари И. М. Катанов билан жамоа олим бораётган ишлар, келгуси режалар ҳақида суҳбатландик.



# «ЛАРЗОН» МУХЛИСЛАРИ

## Яхшидан боғ қолади «Дилкаш»даги отахон

Сира ёдимдан чиқмайди. Узоқ йил ёнғоқ дарахтининг тарвақайлаган шохлари элентр симига бироз теккан анан, монтерлар шохларини тенг яримдан шартта-шартта кесиб, тўзтоқ қилиб қўйишди. Собир ота: «Мевали дарахтин кесиб бўлмайди, уюлидан қўрқилганга кўра, болаларим», деб ялиниб-ёлворганидан кейин бироз инсофта келишди.

Уша кезлари анча вақтгача супадан фазл қочганди. Боғ қаддини биладиган Собир ота дарахтининг пала-партиш кесилган жойларига лой чаплаб, қабария кафтлари билан авайлаб сувади. Уёқ-бўёқга қараб кўриш, са-лобатини тиклашга кўп ҳаракат қилди. Отаҳон: «Кўчада-гиларнинг ризи» деб, кўринганга улашар, суҳбатдошлари мағзидан еб, ёнғоқ ҳақидаги ҳикоят ва ривоятлардан айтишарди.

Ёнғоқ дегани жонни қаттиқ бўларкан. Орадан вақт ўтиши билан қаддини ростлаб, кучини йиғиб, ҳар бир кесилган шохларидан бир эмас, тўрт-бешта шохча чиқариб, аввалгисидан кўра янада яшнаб кетди. Энди кўрганларнинг ҳавасини уйғотиб ҳайратда қолдиради. Худди, рақиблари билан баҳслашгангадек бу йил яна «ёнғ-ёнғ» ҳосилга кирди.

Собир ота Қосимов хонадонидан олтидан ўтаётганларнинг «Ҳани энди, шунча ёнғоқ дарахти бизнинг ҳовлимиздаям бўлса», деган таплари баралла эшитилмоқда.

Маҳмуд АХМЕДОВ.



— Дарҳақиқат, «Ларзон» дастасининг мухлислари кўп, — деди Иброҳим Муродович. «Ларзон» аслида «Ёқимли титроқ» маъносини англатади. Уни ташкил этишда Ўзбекистон ССР халқ артисти Ўзбекистон Оқилованинг хизматлари катта. У миллий дастани ташкил этиш жараёнида масъулият билан иш қўрди. Унга жумҳурият халқ артисти Сасон Беньяминов яқиндан ёрдам берди. Даста йилроқ етадиган куй ва кўшиқлар мундарижаси уч қисмага бўлинди. Яъни, кўхна мақомлар, рақслар ва эстрада номерларига ажратилди.

— Дастлабки снов қаерда ва қандай ўтди? — Шаҳримиздаги «Билимлар уйи»да ўтказилди. Премьера кунини ҳамма ҳаяжонланарди. Айниқса, санъаткорларнинг ҳаяжонлари кески эди. Томошага ташриф буюрганлар саҳнадан кўз уюшмасди. Жиддий тайёргарликлар ва машаққатли ишларга зое кетмади. Премьера жуда яхши ўтди. Бу айниқса ёш томошабинлар учун катта тўхфа бўлди. Чунки тилимиз ва миллий санъатимизнинг ажиб сеҳридан баҳраманд бўлишди. Шунингдек, томошабинлар таниқли санъаткорлар — Ўзбекистон ССР халқ артисти Маргарита Оқилова, Тошкент давлат консерваториясининг профессори Сулаймон Таҳалов, жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъаткорлар Исҳоқ Катаев, Эсон Қандов, Эдуард Қаландаров, Лола Оқилова, Михаил Мошеев, Раби Иброҳимовлар билан учрашдилар. Шу кунги концертга Бухоролик санъаткорлар ҳам ташриф буюришди.

— Режалар ҳақида ҳам озгина тўхталсангиз. — Марказ этнография музейини ҳамда халқ театрини ташкил қилиш бичирини галдаги вазифаларимиздан. Вақт-вақтида нашрлар чикаришни ҳам режалаштирганмиз. Ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурда драматург Арон Шаламов бошчилигидаги Бухоро яхудиёлари адабиётини шўбасини ишламоқда.

— Самарқанд шаҳридаги «Шарқ» даҳасида асосан Бухоро яхудиёлари истисомат қилинади. Шу даҳанинг 150 йиллик тўйини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўраётимиз. Худла, миллий анъаналарни тиклашга ва халқлар ўртасида дўстликнинг мустаҳкамлашга бор имкониятларимизни бағишлаймиз.

— Муаммолар ҳам борми? — Виринчиси, барча маданият марказлари учун умумий бўлган қийинчилик — бино топши масаласи. Чалов, кўчасидаги кичкина зал йиғилмайлари, ижодий кечаларга, концертларга ҳамда бирор маданий тадбир учун йиғилмайлари торлиқ қилади. Катта залларни ишарага олиш эса жуда қимматга тушади. Ваҳоланки, марказ ихтиёрий хайр-эҳсонлар ва бешаллар ҳисобига фаолият кўрсатапти. Худла, мутасадди ташкилотларнинг ёрдамларидан уянд-ворамиз.

— Келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. — Раҳман БОБОМУХАМЕДОВ.

Фалакиёт оламида ҚУЁШНИНГ ҲАЛОКАТЛИ «НАФАСИ»

ЦЕЛЬСИЙ бўйича манфий 200 даражада қотиб қолган зангорисмон сайра борган, сарин кизғин нур тарқатаётган бриттик атрофда ўзининг доимий айланма ҳаракатидан тўхтамайди...

Бу илмий-фантастик есварадларча эмас. Бу биз ерликларни кутайтган келажак замон. Бунга қонинг ҳисоби бўйича кўп вақт қолгани йўқ... Одамлар анча вақтдан бери «ноҳират» тўрғисидега гапиряшди. Урта аср мунажжими Нострадамус бу воқеа 1999 йили содир бўлади, деб айтган эди. Америкалик астрофизиклар Д. Уитмер ва Р. Райнольдс ўтказган тадқиқотлар кўш системасининг ҳалокатини тасаввур қилишининг имконини беради. Улар ихтисослашган «Астрономия» ойнамасида қайд этишларича, ер сайрасининг ўлим талвасаси... 500 миллион йилдан кейин бошланади... Аста-секин Куйнинг фаоллиги ортиб боради. Бу эр атмосферасининг иссиб кетишига, олиб келади. 1 миллиард йил давом этадиган бу даврда океан ва денгизлар қурийди ва ерда ҳаёт батамом тўғайди. Кейинги 6 миллиард йил ичида Куй ҳозирги ўлчамига келарканда 100 маротаба катталашади. Иссиқлиги Цельсий бўйича 750 даража бўлган бу улан алғача ўз ичкиликни ер томон қўлади ва Ер устидаги ҳамма нарсаи куйдориб ташлабди. Шу тариқа, Куй ҳар бир оддий юдуз учун тегишли бўлган маълум бир даврни бошайдан кечиради. Бу даврда Юпитер, Сатурн, Уран ва Нептун сайраларининг музлаган атмосфераси эрийди. Венера ва Меркурий сайрасининг эса Куй ҳожи ютиб юборади. Ерда ҳаёт қурб бораётган даврда Марс мангу баҳор мавж уради. У ерда денгиз ва кўллар пайдо бўлади, дарёлар оқа бошлайди. Ердаги ўхшаш атмосфера вуздулга келади. Бу давр бор йўқи... 10 миллион йил давр элади. Кейинги 3 миллиард йил ичида эса Марс атмосфераси йўқолиб кетади. Фақат Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун сингари катта сайралар Куйнинг ҳалокати «нафасидан зарар кўрмайди. Шундан сўнг Куй ҳалокатининг иккинчи даври бошланади. Куй оддий юдузларнинг ҳажимига ўхшаб кичиклашади ва у сариқ хира нур тарата бошлайди. Келажак ҳаётимизни Д. Уитмери ва Р. Райнольдс мана шундай тасвирлайдилар.

Рустам ШУКУРОВ тайёрлаган.

КЕИНИГИ вақтларда гиподинамия хасталиги пайдо бўлдики, уни XX аср хасталиги деб атамоқдалар. Уни юзага келтирадиган бош омил эса — кам ҳаракат қилиш, бир ерда узоқ ўтириб ишлаш. Хўш, бу хасталикка чалинамаслик учун нима қилиш керак? Буниг учун киши иложи борида кўпроқ юриши, югуриши, спорт билан шуғулланиши лозим. Зеро, одам ҳаракат туфайли тоғмас, қувноқ ва эчкил бўлади, чехраси ёғду сочади. Доно халқимиз: «Ўтирма — ўтириб қолсан, ётма — ётагон бўлиб қолсан», деб бекиз айтмаган.

Илдам қадам босиш ёки қадин ростлаб юришининг ўзида бир олам хикमत бор. Рус шифокори ва ёзувчиси В. В. Вересаев «Қаддингни ростлаб юрсанг, қўккан кўнглинг ҳам кўтарилади. Агар хафта лабларингни ёзиб юборсанг, руҳинг ҳам энгил тортади», дейди.

Одам бир кунда ўрта ҳисоб билан 20 минг, бир йилда 7 миллион, 70 йилда 500 миллион қадам босади. Очигини айтганда, сиҳат учун ундан ози камлик қилади. Шунинг учун ҳам бир-икки бекат йўл босиш учун транспорт кутанинги ҳолати йўқ. Кечкурунлари овқатдан сўнг юриш, сайр айтиш тинч ва чуқур уйку учун тағмурлик қилиш демакдир. Тажрибаларга кўра, минута эллик метр юриб, уч километр масофани босган кишида модда алмашинуви беш марта ошади.

Шу ўринда қадимги бир ҳикматни келтиришим лозим топдик. Бир сўфи меҳмондорчиликдан келганидан сўнг қорин қаттиқ оғриб қолибди. У дарҳол ўз ўлими табиғатга югуртирибди. Сўфининг бадиъфелигини билган табиб унинг ўғлига:

— Югур, мен етиб боргунча даданг ётмай, юриб кўрсин, — дебди.

Чопиш, сузиш ва сакраш табиғатнинг инсонга ато этган бегараз эҳсонидир. Сўфини йилларда «Инфаркт касалидан қоч» иб-

раси шпор даражасига кўтарилди. Бу ҳикматнинг негизиде инфаркт бўлиб қолмаслик учун киши соғлом пайтида кўпроқ юриши, чопиш ва ҳаттоки югуриши керак деган маъно ётади. Шу ҳусусда яна бир ҳикмат. Бир киши донога ўғлининг бетоблигини айтиб:

— Ўғлимга нима яқин-у, нима узоқ? — деб сўрабди.

Узоқ умр сирлари «ЁТМА, ЁТАҒОН БЎЛИБ ҚОЛАСАН»

Пиёда юриш ҳаракатларининг аввали ва афзалидир. (Мақол.)

— Дангасалик — тўшакка, яъни ўлимга қанчалик яқин бўлса, ҳаракат, яъни юриш айниқса, югуриш, чопиш уни тўшакдан, ўлимдан шунча узоқ қилади, — деб жавоб берибди доно.

Дарҳақиқат, ҳаракатсизлик кишини тўшакка яриналаштириб қўлади. Юрган кишининг асаби тинчланиб қайфияти кўтарилади, миёга ижобий фикрлар келади. «Нев юриш мени тирялтиради, илҳомлантиради, бардам қилади, кайфиятимни кўтарди. Ҳаракат қилмай туриб мен фикр юри-золмайман. Менинг баданим ҳаракатда бўлиши вожиб, шундагина ақлим ҳаракатда келади», деган эди буюқ француз фило-суфи Жан Жан Руссо.

Демак, ҳаракат туфайли бош мия ҳам

қон билан яхши таъминланади. Натижада унинг фаолияти тийрак бўлади. Айтишларича, Арасту махсус сайр ўтувчилар мактабиде юриб туриб дарс берган.

Ўрта ҳисобда оғирлиги бир ярим килограммга тенг бош мия танадаги қислордоқ юрич ундан бир қисмини талаб қилади. Шунча қислордоқ унга фақат ҳаракат етказиб беради. Бунидан, миёни ишга соламан.

— Ҳар кунги давомли пиёда сайрлар ва очинг ҳавода ишлашим туфайли, — жавоб берибди мўйсалиф.

Тошкентнинг «Илғор» маҳалласида 85 ёшли Мансур ота деган кенса ишари. Бирор жойга борадиган бўлса, транспорт кўчиб ўтирмасди. Бу киши ҳаётида жуда кўп меҳнат қилгани учун ҳам мўйсалиф ёшига етганига қарамай хилча, хушқақча ва бақувват эди. Серҳаракатли доимо ҳайратомуз натижаларга олиб келади. Масалан, олтинчи ёшга тўлганига қарамай В. М. Абалаков энг юксак тоғ чуққиларига мураккаб чиқишларда қатнашган. Улим тўшагда ётган Суқрот қўнларини ҳаракатда келтириб, мусяна чалишни машқ қилган. Доно қарияларимиз бирор юмуш бажармасалар кўнгуллари жойига тушмайди. Улар одатан, «Куч-қувватимни олганимдан кўра, гайратимни олсанг бўлмасмиди», деб воийдилар. Аслида, гайрат ҳаёт етакчиси-сидир. Арасту таъбири билан айтганда, ҳаёт ҳаракат қилишни тақозо этади. Кексалигига қарамай, Тошкентдаги Эгамбердиев сим дорда ўйнаган, 80 ёшдан ошган Ризамат ота Мусамухамедов эса миришорқобгон, меҳнатни жовдан севган инсон эди.

Фаол ҳаракатдан сўнг киши хузуур қилади. Бу физиологик ҳодисани И. Павлов «Мушаклар роҳати» деб атаганди.

Энди фикримизнинг хулосасига ҳам яқинлашиб қолдик. Маълумки, қадимдан халқимиз номоз ўқиб, қироатхонлик билан шуғулланиб келган. Ҳаракат (юриш, югуриш, спорт) машқлари билан шуғулланиш ва унга боғлиқ мишқорат роҳати билан беш вақт намоз ва қироат (нафас гимнастикаси) бир-бири билан жузуда уйғундир. Агар шариит тақозо этса ундан барабар олиб бериш алобта фойдадан ҳоли бўлмайди.

Закрилла ЭГАМБЕРДИЕВ, медицина фаилари номзоди.

Улар ҳақида ёзилмас эди ЭТ ЕМАС ЭШОН

О Узоқ йиллар давомида Тошкентда Эски шаҳар полиция-си бошлиги бўлиб хизмат қилган генерал-лейтенант Н. С. Ликошин шарҳунос ва ўлкашун сифатида ўзидан дикжнат сазовор ерроқ қолдирган. Бу рус офицери ўзбекистон суудек билган. Шунинг учун ўзбек халқи ҳаётини чуқур ўрганиб, қатор илмий асарлар ёзган.

У ўтган асрде Тошкентде яшаб ном қозонган одамлар ҳақида бебаҳо маълумотлар беради. Нил Ликошин ўзи кўрган, танишган кишилардан бири — Эшон бобо охунд Шодмон кўча ўғли ҳақида 1916 йили Петроградде нашр этилган «Туркистондаги ярим умр» китобиде қуйидаги қизиқ воқеаларни келтиради:

— Қўкча мачити имомининг ўғли «Эт емас» эшон отаси ўлганидан сўнг имом ўрнини эгаллаш ҳақидаги тақлифни рад этиб, билимдонлиги билан машхур Солибек охун даргоҳига бориб деҳқончилик билан шуғулланади. Пскент атрофидеги Янгиқўрғон қишлоғида у Шоусуф ҳўжа эшон билан танишиб қолади.

Бўнажак эшон дин тарихи бўйича ундан сабоқ ола бошлайди. Бир неча йилги мутолазадан сўнг бўлгуси эшон устандан фотоға олиб, Тошкентдаги Шайх Зайниддин Бобо мазорига келиб ўша ердаги зах ертўлада яшай бошлайди. У фақат мева-сабзавот, ноҳоч билан қаноатланиб гўшт-ёғ истемол қилмайди. Шунинг учун «Эт емас эшон» номи билан доврўх қозонади.

Муаллиф эзишича, эшон бу ертўладан чиқмай унда қирқ, қирқ-чилла, яъни 1600 кунни ибодат билан ўтказди.

1892 йилда вабо торқалганда эшон шифокорлик билан шуғулланади. Шуниси қизиқки, эшон беморларни қўлини текизиб дөволаган. У Чимкентдан Қизил Урдагача бўлган жойлардаги аҳолига ҳам ердан кўрсатиб овулма-овул юрган. Уша 1892 йилде у 60 ёшда бўлган. Эшон муридларидан келган пулларни камбөгелларга улашган, топан-тутганини хайри ишларга сарфлаган. Тошкентдан 25 чакирим атрофда ерларга эшон муридлари ердами билан суғ чиқариб обод қилган. Ана шунинг учун ўша жой «Эшон бозор» номи оилган. Аста-секин мурид-

лари шу жойга кўчиб уй-жой қилишган, бозор, дўконлар пайдо бўлиб мачит ҳам қурилган. Имом вазифиниси эшоннинг ўзи бажарган.

«Эшон бозор»га бир кун от ўғирлари келиб қолдишди. Одамлар отлари йўқолганидан шикоят қилишгандан шон чорра кўришини айтди. Орадан кўп ўтмай от ўғирлари билан галати ҳодисалар рўй беради. Уғирлар аядиш, яна отлари билан бозорга қайтиб келганларини билмай қолдишди. Шундан сўнг «Эшон бозор» ўғирлардан қутилди.

Н. С. Ликошин ўз китобиде Эт емас эшон билан уршагани ва унинг муридлари билан зикр маросимиде катнашганини ёзган.

Унинг маълумотлари шуни кўрсатадики, Эт емас эшон фавақулда таъсир кўрсатиши («экстрасенс») қобилиятига эга бўлган. У гоат меҳр-шафқатли ва қаноатли киши эканлиги ҳақида муаллиф кўпгина фактлар келтиради. Эшон кунига бир маҳал оқшомда оқватланган. Кўп вақтинки мутолаадада эз шифокорликда ўтказган.

Ликошин ўз қўлида хизмат қилган Усмон миришаб арақкўр бўлгани учун кўп азият чекканини ёзади.

Бир кун Усмонни эшон хузурига юборади. Миришаб пиёсталигини ташлашга ердан беришни сўраб эшонга илтижо қилади. Эт емас эшон рози бўлиб ишга киришади.

— Шундан сўнг, — деб ёзади Н. С. Ликошин, — менинг хизматкорим бу ярамас одатини ташлади ва хушёрлик йўлига ўтди.

Муаллиф Эт емас эшон хузуриде бир неча бор меҳмон бўлган ва бу одамнинг ажойиб фазилатларига тен берган. Эшон бобо Охунд Шодмонкўжа ўғли Тошкентде гоат оубури киши эканлигини холисона ёзиб қолдирган.

Ҳамдам СОДИҚОВ.



ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА ЧУҚУР БИЛИМ БЕРАДИ

Шаҳримиздаги 273-мактабда ўқувчиларни ўзлари танлаган бўлажак шифокор, ўқитувчи касбларини ўрганишга тайёрлайдиган тажриба синфлари очилди. Шу ерда умумтаълим дарсларидан ташқари абитуриентларга табобат, педагогика ва техника олий ўқув юртиларига киришда имтиҳон топшириладиган фанлар бўйича чуқур билим берилади. Яна мактабнинг дарслар жадвалига махсус фанлар ҳамда ихтисослик бўйича амалий машғулотлар киритилган. Болаларга мактаб ўқитувчилари билан бир қаторда Тошкент педиатрия табобат олийгоҳи, Тошкентдаги 2-давлат табобат олийгоҳи, В. И. Ленин ҳамда Н. К. Крупская номидаги Тошкент педагогика билим юртилари, 25-хунар-техника билим юртининг ўқитувчилари дарс беришади.

Киров район халқ таълими бўлими ана шу мактаб билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузди.

Тажриба синфларига қабул тўққизинчи синфини муваффақиятли битирган ўқувчилар орасидан танлов тариқасиде ўтказилди.

СУРАТДА: ўнинчи табобат синфининг ўқувчилари кимё фани бўйича дарсда.

Р. Шамсутдинов (ЎЗТАГ) сурати.

ХАМДАМ СОДИҚОВ



Муштарийлар илтимосига кўра

# ДУТОР НАВОСИ ОҒУШИДА

○ Хурматли муҳаррирлар! Биз анча йиллардан буён таниқли санъаткор Незматжон Қўлабдуллаевнинг кўшиқларини севиб тинглаймиз, куйларини завқ билан эшитамиз. Илтимос, шу ижодкор ҳақида «Оқшом»да мақола эълон қилсангиз.

Бир гуруҳ кексалар номидан: М. Ҳасимов, Тошкент.

ТОҢГ сахар. Само юлдузлари кўзга яқкам-дуккам иллинади. Атрофини бутун соқиндик ўз ҳукмига олган. Унча узок бўлмаган масофадан юрак торларини чертувчи, тунда тиним олган рўйи ҳолатларини, оҳиста сезиларли қишқирловчи шўх ва эркин, «гоҳ баланд ва гоҳ паст, лекин мусунчи, фалсафий маънога едиларган куй таралади.

Чолғу асоси бағридан тилим-тилим бўлиб ўтган қалби ва ички тилсимлари пок ички таранг ипини турли оҳангга солиб қийнашдан чиқиб келиб шифобахш сас гоҳ ҳуд, гоҳ боҳуд жарағлади; шўх ва тиниб-тинчимас бармоқларнинг гоҳ меъерда, гоҳ зудлик билан бориб келиши бу ички ҳаёт ишига тинилки бермай қишқирлайди — жонга оро берувчи куй таралади. Бу куй атоқли хонанда, маҳоратли бастакор Незматжон Қўлабдуллаев қалбидан, бутун вужудидан отилиб чиққан «Дутор бағти» эди. Бу дилбар ва шўх куй жумхурият радиосидан таралиб, нозик қалбларга малҳам янгилик таралмоқда.

Санъат йўлида обрў орттирган Незматжон ака 53 йилдан бери санъат олами қаърига кириб бориб уларга жон ато этиб келмоқда.

Дутор чалиш ва кўшиқ айтиш сирларини тоғалари — таниқли санъаткорлар Нўрulloҳ ва Рустам аналардан, қолаверса, Чимкент ва Тошкентда мусиқа ва кўшиқчилик санъатида донг таратган Эрназар Войназаровдан кунт билан ўрганди.

— Мен, — дейди Незматжон ака, — 10 ёшга тўлганимда ўзбек мусиқаси ва кўшиқчилигида ҳаминча олиш-ламушчи дилдор кўшиқлар «Баёт-1», «Гиря» (Завқий), «Май бериб» (Чустий) каби ўндан ортқи кўшиқчи халқ орасида куйлаганман, бундай кўшиқчилик ўз дуторим торидан таратганман.

Ешдикидан санъатга ошрифта бўлган Незматжон ака биргина дутор чертиш билан чегараланиб қолмади. У гижожа ва най каби мусиқа асбобларини ҳам қиёмига етказиб чалиш санъатини эгаллаб борди. Бу нарса уни Тошкентдаги мусиқа билим юртига етказди.

— Ҳудуд юртида, — деб давом этди ҳофиз, — олдиндан мусиқа соҳасида шаклланиб қолган хавасим бари ура бошладим, таниқли бастакор Ганижон Тошматовдан дутор ва гижожа чалишнинг ички сирларини эгалладим. Натигада дуторда «Дилхирож», «Тановар», «Жазоир», «Дутор бағти», «Сўлим», «Уфори» каби 20 дан ортқи куйин ўзим басталадим.

Незматжон ака ўзига хос эркин ва тиниқ, баланд ва ширали, қочирчи ва яширин оҳанг сирлари силсиласидаги кўнгирак овозлари билан ўзбек кўшиқчилигида алоҳида услуб кашф этган санъаткор сифатида ҳам тан олинган. Унинг репертуарида 290 дан ортқи кўшиқ жой олган, 50 дан ортқи ўзи яратган куйлар элимизга маълум.

Репертуаридаги кўшиқлар мавзу жиҳатдан хилма-хил, бири иккинчисини тасдиқламайди: Навонийнинг «Қаро кўзум» газали асосидаги кўшиқ мантқиқ бу санъаткор дилдан вазиин ва мунгли, лекин донна-донна талаффузлар шад-доллиги билан оромбахш жарағлаб ёр ва дийр, маҳуба ва маҳубларнинг тенгсиз инсоний туйғусини, муҳаббатнинг тенгсиз оламини куйидагича:

Кезарман кўйида йиллар назар ҳолимга солғай деб,  
Агар ўлтирса қоним ранги тупроғида қолғай деб,  
Кўнгила юз туман ний урса ҳижрон айламан нола,  
Висолинг нушидан заҳмлар бир кун унғалай деб, —

деп ифодалаб берса: Бобир газаларидаги инсон қалбига хос бўлган барча туйғу ва турғунлар, гўзаллик ва лафозат, бадий завқ ва интим ҳиссиётлар, ёр ва дийр оламидаги танглик ва раққ, севиш ва севилиш адолати тарозуси шайинларининг пинҳона боғлаш моҳирлигини ўзига хос услуб, алоҳида куй уйғунигида дутор бағрида таъсирли жарағлади:

Чун мени кўймак фалак бир лаҳза васл айемида,  
Тонг йўқ, эй бемехр, агар ўлсам фиронг шомида,  
Эй кўнгила, юзи кўруб зулфи паршонин соғин,  
Шоми ҳижрондин таважҷум айла васл айемида.

